Куч — адолатда

2011 йил,
5 май,
пайшанба
№ 18 (324)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!

УМРНИНГ ҲАР ОНИ ҒАНИМАТ. ОЛТИНГА ТЕНГ АНА ШУНДАЙ УМР ЭРТА САҲАРДА ТИНЧГИНА ЭШИКНИ ОЧИБ, ХОТИРЖАМ, ДИЛДА ЯХШИ НИЯТ, БУНЁДКОРЛИК ТУЙҒУСИ БИЛАН КЎЧАГА ОТЛАНИШ ВА КЕЧҚУРУН ЎТГАН КУНДАН МАМНУН ҲОЛДА УЙГА ҚАЙТИШ БИЛАН ЎТСА, НЕЧОҒЛИК САОДАТ.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИНИНГ ОЛОВЛИ ЖАНГГОҲЛАРИНИ КЕЧИБ, ЮРТИМИЗНИНГ БУГУНГИ ФАРОВОН КУНЛАРИ УЧУН ФИДОКОРОНА КУРАШГАН НУРОНИЙЛАР БУНДАЙ ФАРАҲБАХШ ОНЛАРНИНГ СУРУРИНИ КЎП ГАПИРИШАДИ.

МЕҲР ВА ЭЪЗОЗДАН БАҲРАМАНДЛИК

— 1942 йилда эндигина 20 ёшни қаршилаган эдим, орзуларим бир олам эди, — **дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Марғуба ая Юсуф қизи**. — Юрт бошига иш тушганда халқ корига яраш вазифам деб, кўпчилик қатори урушга, фронтга отландим. У ерда алоқачи бўлиб хизмат қилдим. Ўша оғир йилларни эслаш ниҳоятда машаққатли. Ейдиган бир бурда нонниг таъмини ҳис этиш учун ҳам тинчлик керак экан. Жанггоҳга отланиш олдидан ҳар куни ўша кунлар тезроқ ўтишини, осойишта тонглар отишини, авлодларимизнинг бошига бундай мусибатлар ҳеч қачон ёғилмаслигини яратгандан илтижо қилиб сўрар эдик.

Минг шукрки, шу кунларга етдик. Юртимиз ҳур ва озод бўлди. Истиқлолимизнинг йигирма йиллигини катта шодиёна қилишга тараддуд кўряпмиз. Боғларимизда чечаклар очилиб, ифори оламга ёйилмоқда. Набираларимга бундай ҳаловатли кунларнинг қадрига етишни кўп насиҳат қиламан.

Юртимизда Марғуба ая каби тарихимизнинг оғир кунларини бошидан кечирган ва бугунги фаровон ҳаёт неъматларидан баҳраманд бўлаётган нуронийлар ҳамиша эъзоз ва эътиборда.

Президентимизнинг шу йил 22 апрелдаги **«Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»**ги Фармони нуронийларни эъзозлаш ва моддий рағбатлантириш, ўтганларнинг руҳини шод этиш, жамиятимизда меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни эзгу анъаналаримизга эҳтиром руҳида тарбиялашда муҳим омил бўлаётир.

Бу тадбирлар истиқлол йилларида миллий қадриятларни қайта тиклаш, ўтмишни ёдлаб, ундан керакли хулосалар чиқариш ва ўзликни англаш йўлида амалга оширилаётган изчил ишларнинг мантиқий давомидир.

Ўтганларнинг номини ёд этиш, хотирасини эъзозлаш, инсон қадрини юксалтириш бундай хайрли ишларнинг асосий моҳиятини ташкил этади. Юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланаётгани ана шундай азалий анъаналаримизнинг бардавомлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Yangi qonun mohiyati

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддати

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

МАМЛАКАТИМИЗДА ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИЗЧИЛ КЕЧАЁТГАНЛИГИ, ҲАР БИР ЎЗГАРИШ АНИҚ МАҚСАДНИ КЎЗЛАГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАНЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИ ТЎҒРИ ТАНЛАГАНЛИГИДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ.

Ислоҳотлар жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига қаратилган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгариш ва янгиланиш жараёни жамият ва давлат ҳаётида алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жараёнда ҳар бир қонун, жумладан, амалдаги Жиноят-процессуал кодексига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг асл негизида инсон, унинг ҳақ-ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари мужассам. Зеро, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида таъкидлаганидек, **мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳадаги сиёсатни такомиллаштиришда жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада либераллаштириш энг муҳим йўналишга айланган.**

(Давоми учинчи бетда)

Dolzarb mavzu

Мажбуриятларни бажариш масъулияти

янги қонун асосида янада кучайтирилади

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар асосан шартномалар тузиш орқали амалга оширилади. Шартнома ўз навбатида тарафларга, яъни кредитор ва қарздорга нисбатан ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни юзага келтиради.

Шартномада кредиторнинг қарздор зиммасига юклаган мажбуриятларининг аниқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлаш мақсадида аксарият ҳолларда ушбу мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан фойдаланилади.

Маълумки, Фуқаролик кодексининг 22-боби **"Мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш"** билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади. Бу ҳолат неустойка, гаров, қарздорнинг мол-мулкини ушлаб қолиш, кафиллик, кафолат, закалат ҳамда қонун ҳужжатлари ёки шартномада назарда тутилган бошқача усуллар билан амалга оширилиши мумкин.

(Давоми учинчи бетда)

ХАЛҚИМИЗ ТАРИХИДА ҚУЁШДЕК ПОРЛАГАН, ҚАЛБИМИЗГА НАСИМДАЙ ҲУЗУРЛИ ИЛИҚЛИК БАХШ ЭТГАН ОЗОДЛИК — ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИГА ЭРИШГАНИМИЗГА ҲАМ ҲАДЕМАЙ ҚУТЛУҒ САНА — ЙИГИРМА ЙИЛ ТЎЛАДИ.

E`tirof

Баркамол ёшлар — истиқлолимизнинг энг улкан ютуғи



Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 6 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»**ги қарорида қайд этилганидек, **тарихан қисқа бир даврда, аввало, эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.**

Дарҳақиқат, бу давр халқимизнинг иродасини тоблади, саботу матонатини синовдан ўтказди. Зотан, ўзимизга хос ва мос йўлни танлаб, унинг келажаги ёруғ эканига одамларда ишонч уйғотиш осон кечгани йўқ.

(Давоми тўртинчи бетда)

Islohot va samara

Бағрикенглик тамойили

хатодан тўғри хулоса чиқариш имконияти

КАТТАНИ ҲУРМАТ, КИЧИКНИ ИЗЗАТ ҚИЛИШ АЖДОДЛАРДАН МЕРОС ҚОЛГАН ҚАДРИЯТЛАРДАН. КИМДИР БИЛИБ-БИЛМАЙ НОЖЎЯ ҲАРАКАТГА ҚЎЛ УРГАНДА АТРОФДАГИЛАР БОСИҚЛИК ВА МУЛОҲАЗАКОРЛИК БИЛАН БУНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИШГАН. БУНДАЙ ФАЗИЛАТЛАРИМИЗ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНДИ.

Жамиятда юриш-туриш қоидаларини менсимаслик мавжуд қонунларга, ахлоқ-одоб меъёрларига, анъаналарга ҳурматсизлик саналади. Безорилик ана шундай жиноятдир. Бундай қилмиш кимгадир енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд бировнинг мулкини нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир қилинади.

Энди қуйидаги икки мисол асосида фикримизни далиллашга ҳаракат қиламиз. Яқинда очиқ суд мажлисида Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчи А.Ғаниевга нисбатан жиноят иши кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, гумон қилинувчи маст ҳолатда қишлоқдоши Ғ.Толиповни ҳеч бир сабабсиз уриб, унга енгил тан жароҳати етказган. Каттақўрғон тумани суд-тиббий экспертизасининг хулосаси буни тасдиқлаган.

Жабрланувчи Ғ.Толипов судга ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилди. Гумон қилинувчи билан ўзаро келишиб, ярашиб олишгани, етказилган моддий ва маънавий зарар А.Ғаниев томонидан тўлиқ қопланганлиги, ўрталарида эндиликда келишмовчилик мавжуд эмаслиги, унга нисбатан даъвоси йўқлигини инобатга олиб жиноят ишини тугатишни сўради.

(Давоми учинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Мол-мулкни ишончли бошқариш

унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИНГ НЕГИЗИНИ ХИЛМА-ХИЛ ШАКЛДАГИ МУЛК ТАШКИЛ ЭТАДИ. ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН БАРЧА МУЛК ШАКЛЛАРИНИНГ ТЕНГ ҲУҚУҚЛИЛИГИ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН БАР-БАРАВАР МУҲОФАЗА ЭТИЛИШИ КАФОЛАТЛАНГАН.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиздаги корхоналар, мол-мулк комплекслари, кўчмас мулкка мансуб алоҳида объектлар, қимматли қоғозлар ва бошқа шу сингарилар мол-мулкни ишончли бошқариш объекти бўлиши мумкин. Шу ўринда ҳақли савол туғилади: хўш, мол-мулкни ишончли бошқариш қандай ҳолда вужудга келади?

(Давоми иккинчи бетда)

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАРГА КАТТА ЭЪТИБОР БЕРИЛИБ, УЛАР УЧУН КЕНГ ИМКОНИЯТЛАР ЯРАТИЛАЁТИР. ЗОТАН, ТАДБИРКОРЛИК СОҲАСИ МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИ ЮКСАЛТИРИШДАГИ ЭНГ МУҲИМ ОМИЛЛАРДАН БИРИ ЭКАНИГА МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ҲАР БИРИМИЗ ГУВОҲ БЎЛДИК.

Qonun ko`magi

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили

Мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги босқичга кўтариш мақсадида 2011 йилнинг **"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"** деб номлангани ҳам тадбиркорларга берилаётган алоҳида эътибор намунасидир.

Юртимизда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар нафақат юртдошларимизни қувонтирмоқда, айни пайтда чет эл фуқаролари, нодавлат ташкилотларининг ҳам эътиборини тортмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Huquqiy ma`rifat

Мол-мулкни ишончли бошқариш

унинг мазмун-моҳияти нималардан иборат?

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келиш асосларига биринчи галда муассис билан ишончли бошқарувчи ўртасида тузиладиган мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси киради. Фуқаролик кодексининг 854-моддасида белгилаб қўйилганидек, мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Шартноманинг ушбу шаклига ёки кўчмас мулкни ишончли бошқаришга топширишни рўйхатга олиш талабига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий бўлмаслигини келтириб чиқаради.

Бундан ташқари васиятнинг ижрочиси тайинланган васиятнома, суд қарори, васийлик ва ҳомийлик органининг васийликка олинган шахснинг мол-мулки устидан васийлик белгилаш тўғрисидаги қарорлари, шунингдек, қонунда назарда тутилган ҳолларда бошқа юридик фактлар мол-мулкни ишончли бошқаришнинг вужудга келишига асос бўлади.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси бўйича бир тараф, яъни бошқарувнинг муассиси иккинчи тарафга — ишончли бошқарувчига мол-мулкни муайян муддатга ишончли бошқарувга топширади. Иккинчи тараф ушбу мол-мулкни бошқарувнинг муассиси ёки у кўрсатган шахс (фойда олувчи) манфаатларини кўзлаб бошқариш мажбуриятини олади. Шуни унутмаслик керакки, мол-мулкни ишончли бошқаришга топшириш бу мол-мулкка мулк ҳуқуқининг ишончли бошқарувчига ўтишига олиб келмайди.

Мол-мулкни ишончли бошқариш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Муддати тамом бўлганида тарафлардан бирининг шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси бўлмаса, шартнома унда назарда тутилган муддатга ва шартлар асосида узайтирилган ҳисобланади. Шартномада албатта, шартнома бўйича ишончли бошқаришга бериладиган мол-мулк рўйхати, фойда олувчи тўғрисидаги кўрсатма, ишончли бошқарувчининг ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, ишончли бошқариш бекор қилинганида мол-мулкни оладиган шахс, агар шартномада назарда тутилган бўлса, ишончли бошқарувчига тўланадиган ҳақнинг миқдори ва шакли бўлиши шарт.

Ишончли бошқарувчи ишончли бошқариш шартномасига мувофиқ ушбу мол-мулкка нисбатан фойда олувчининг манфаатларини кўзлаган ҳолда юридик ва амалий ҳаракатларни бажаради. Бироқ қонунда ёки шартномада мол-мулкни ишончли бошқариш бўйича баъзи ҳаракатларга нисбатан чекловлар назарда тутилиши ҳам мумкин.

Ишончли бошқаришга топширилган мол-мулк юзасидан битимларни ишончли бошқарувчи ўз номидан амалга оширади. Бу билан у ўзининг бошқарувчи сифатида иш олиб бораётганлигини кўрсатади.

Собир КУЛИЕВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғи

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

Меҳр ва эъзоздан баҳрамандлик



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **бизнинг ота-боболаримиз суронли уруш майдонларида ўз ота-онаси, болалари, севимли ёри, уларнинг келажаги ва тинч ҳаёти учун жон фидо қилган. Биз бугунги тинч ва фаровон кунларга шукрона келтириш, юртимизнинг қудратини янада юксалтириш йўлида ҳалол меҳнат қилиб, доимий олдинга интилиб, уларнинг муқаддас руҳларини шод этишимиз лозим**.

Бугун ана шундай эзгу ниятда яшаётган халқимиз 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносиб нишонлашга қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шу кунларда пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Бу ерда янги ҳаёт остонасида турган ёшларни, нуронийларни, турли соҳаларда ишлаётган ва юртимизнинг турли ҳудудларидан келган инсонларни учратиш мумкин. Уларнинг бари Мотамсаро она ҳайкали пойида бир лаҳза сукутга чўмади. Ўтмишдаги суронли кунларни хаёлан тасаввур қилади. Ёшларимиз бу ерга келган нуроний отахонлар ва онахонлар билан суҳбатлашишга интилади.

— Ёшлик давримиз суронли йилларга тўғри келди, — **дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Аҳмад ота Жабборов**. — Мустақил Ватанимизда ёшлар учун яратилган чексиз имкониятларни кўриб ҳавасим келади, чин дилдан қувонаман. Шу боис фарзандларимга, набираларимга тинч ва дориламон кунларнинг қадрига етишни, яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиш лозимлигини уқтираман.

Дарҳақиқат, нуронийларимиз айтганидек, бугунги ҳаловатли кунларнинг фароғатли дамларини ҳеч қандай бойлик билан қиёслаб бўлмайди. Иккинчи жаҳон урушининг оғир кунларини, қанча-қанча йўқотишларни, умрини айрилиқ доғида ўтказган момоларнинг ноласини асло унутиб бўлмайди.

Тарихдан маълумки, урушда бир ярим миллион ҳамюртимиз қўлига қурол олиб жангда қатнашган. Уларнинг ўттиз фоизи урушдан қайтмади. Улар юртимизнинг бугунги мусаффо осмони, авлодларининг камолоти, ҳеч кимдан кам бўлмай саодатли кунларга эришиши учун жон фидо қилди. Аждодларимизнинг бундай эзгу ниятларини рўёбга чиқариш, гўзал ва бетакрор Ватанимизни янада тараққий эттириш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Уруш қатнашчилари ва ногиронлари, ўзгалар мададига муҳтож кексалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатишга қаратилган бундай тадбирлар вилоят ҳокимлиги, маданият ва спорт ишлари вилоят бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармаларининг вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилаётир.

— Вилоятимизда 946 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси истиқомат қилади, — **дейди "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими раиси Топволди Холдоров**. — Уларнинг ҳолидан доимий равишда хабар олинмоқда. Ёрдамга муҳтож меҳнат фахрийлари, ногиронлар, ёлғиз қариялар ижтимоий қўллаб-қувватланаётир. Нуронийларга саломатлигини тиклаши учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар, дори-дармонлар ажратилмоқда, тарихий шаҳарлар ҳамда қадамжоларга улар учун саёҳат ва зиёратлар ташкил этилмоқда.

Чимён қишлоғида эл орасида эъзоз ва қадр топган нуронийлар кўпчиликни ташкил этади. Тумандаги 31-умумтаълим мактаби ва тиббиёт коллежида бўлиб ўтган учрашувда уларнинг ибратли ҳаёт йўли, турли жабҳалардаги фидокорона фаолияти, бугунги дориламон кунларимизнинг қадрига етиш, ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғояларига садоқат, анъана ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш масалалари хусусида сўз борди.

Ҳа, халқимиз яна бир муҳим санага ана шундай ўзига хос руҳда тараддуд кўрмоқда. Бу тадбирлар халқимизнинг ҳамжиҳатлигини янада мустаҳкамлайди, юртимиздаги тинчлик-тотувликка бардавомлик бағишлайди.

Баҳор ХИДИРОВА

МАЪЛУМКИ, МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ, ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ОРҚАЛИ КЎП ТАРМОҚЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАКЛЛАНТИРИЛМОҚДА.

Qilmish-qidirmish

Ҳалолнинг нони ширин

қинғирлик қилганлар эса, бу неъматнинг қадрини билишмайди

2011 йилнинг юртимизда **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб эълон қилиниши, айни шу мақсадда Давлат дастурининг ишлаб чиқилгани эса тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фермер хўжаликларининг самарали фаолияти давлатимиз иқтисодиётининг янада юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Энг муҳими, ерга меҳр берган, ҳалол меҳнат қилган инсон ўз меҳнатининг мевасини кўраётгани, она ер саховатидан ўзи ва ўзгаларни баҳраманд этаётгани қувонарлидир.

Албатта, ҳеч бир иш ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди, мақсадга эришмоқ учун машаққат чекиш даркор. Шу маънода бугунги кун фермеридан омилкорлик, ишнинг кўзини билиш талаб этилади. Давлатимиз томонидан фермерларга яратилаётган имтиёз, кафолат ва ҳуқуқлар эса уларнинг эркин фаолият кўрсатиши ва жадал ривожланишининг асосий омили бўлмоқда. Ўтган давр мобайнида фермер хўжаликларининг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланди.

Айтиш керакки, фермерлик шунчаки ҳавас эмас, балки ҳар бир кишидан изланиш ва фидойиликни талаб этади. Бу ҳақиқатни теран англаган, йилдан-йилга тажрибаси ошаётган фермер ерга бериладиган агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириб, юқори ҳосилдорликка эришиши шубҳасиз. Аммо ҳаётда бундай масъулиятни ҳис қилмай ўз манфаатини кўзлаб, давлат томонидан берилган ерни сотиб чўнтагини қапайтирмоқчи бўлаётган баъзи кимсалар ҳам учраётгани кишини ўйлантиради. Масалан, марҳаматлик С. Ҳамидов ана шундайлар тоифасидан бўлиб чиқди. У 2006 йили «Т.Мирзаев» ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссияси томонидан сотувга қўйилган чорва комплекси ва иншоотларини сотиб олиб, «Маҳмудов Ҳомиджон чорваси» фермер хўжалигини ташкил этган эди.

Таассуфки, С.Ҳамидов ўзига берилган имкониятдан тўғри фойдаланмай пул топишнинг осон йўлини қидирди. Бел оғритмай пул топишнинг энг қулай йўли эса, унингча, фермер хўжалигига бириктирилган ер майдонини сотиш бўлиб кўринди. Дастлаб таниши К.Мўминовга 8 сотих ерни ҳовли-жой учун «ажратиб», 1.000.000 сўмга сотгани унинг иштаҳасини очиб юборди. Ҳатто «Сотиладиган ер бор!..» деган мазмунда енг ичида «эълон» ҳам қилиб қўйди.

Чиндан ҳам, «эълон» кўп ўтмай натижа бера бошлади. Биринчи бўлиб А.Камолов уни йўқлаб келди. Ўзаро «келишув» натижасида А.Камолов 10 сотих ерга эга бўлди, «фермер жаноблари» эса 2.887.880 сўмга!

С.Ҳамидов бу билан ҳам кифояланмади, аксинча, К.Маматурсуновга 1.500.000 сўмга, А.Отакиевга 1.600.000 сўмга 10 сотихдан ер сотди...

Албатта, қинғир иш ҳеч қачон изсиз кетмайди. Туманнинг мутасадди ташкилотлари томонидан ушбу фермер хўжалигида олиб борилган текширув натижасида С.Ҳамидовнинг барча қилмишлари фош этилди. Жиноят иши бўйича Марҳамат тумани суди С.Ҳамидовни амалдаги Жиноят кодексининг 168-моддаси 2-қисми «б» банди, 206-моддаси 1-қисми билан айбли деб топиб, унга нисбатан қонуний жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, бу ҳаётда ҳалоллик, эзгулик, инсонийлик кишини муроду мақсадига етказади, қинғирлик қилишнинг эса, бир кун эмас, бир кун, албатта, қийиғи чиқади.

Буни ҳеч қачон унутмаслик керак.

Носиржон РАСУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Марҳамат тумани судининг раиси
Икромжон ОРИФЖОНОВ,
«Куч — адолатда» мухбири

Qonun ko`magi

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Маълумки, хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш вазифаси Адлия вазирлигига юклатилган бўлиб, адлия идоралари томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

2011 йилнинг 3 ойи давомида адлия идораларига хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан келиб тушган 92 та шикоятнинг 73 таси кўриб чиқилиб, қонуний ҳал этилди, 16 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Шу ўринда бевосита мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, "Юнивер" қўшма корхонаси раҳбари Г.Зивер ариза билан мурожаат этиб, корхонадан ортиқча бож ундирилганлигини баён қилади. Ушбу мурожаат Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганилиб, божхона органига 2011 йил 2 февраль куни кўрсатма киритилди. Натижада божхона идораси томонидан 2.616.500 сўм ортиқча ундирилган бож тўловлари "Юнивер" қўшма корхонасининг келгуси тўловларига йўналтириладиган бўлди.

Хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилиш ҳолларини зудлик билан аниқлаш ва қонуний чоралар кўриш мақсадида Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идораларида жорий этилган "Ишонч телефонлари" орқали ҳам мунтазам равишда мурожаатлар қабул қилинмоқда. Ҳисобот даврида "Ишонч телефонлари"га хорижий инвесторлар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналардан 55 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 26 таси қаноатлантирилди, 26 тасига ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси томонидан "Wirtgen Tashkent" қўшма корхонаси вакили Т.Молокованинг "Ишонч телефони"га қилган мурожаати ўрганилганда, хусусий тадбиркор Моҳира Абдуалимова томонидан шартнома шартлари бузилиб, 25.100.000 сўм асосий қарз тўланмаётганлиги аниқланди. Қўшма корхона манфаатини кўзлаб Самарқанд вилояти хўжалик судига асосий қарз ҳамда пеняни ундириш юзасидан даъво аризаси киритилиб, суднинг 2011 йил 24 февралдаги қарори билан даъво талаби қаноатлантирилди.

Бундан ташқари хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятида вужудга келаётган муаммоларни аниқлаш, шунингдек, фаолият кўрсатмаётган хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарнинг фаолият кўрсатмаслик сабабларини таҳлил қилиш мақсадида 1353 та корхона фаолияти мониторинг қилинди. Жумладан, Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан "Palma Tekstil" хорижий корхонаси фаолияти мониторинг қилиниб, корхонанинг банкдаги ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномасини қайта кўриб чиқиш юзасидан Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Поп тумани бўлимига 2011 йил 18 февралда кўрсатма киритилиб, корхона ҳисоб рақамига 2009 йил 23 декабрда қўйилган 2806-сонли инкассо топшириқномаси 33.893.000 сўмга камайтирилди.

Мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда ўтказилган ўрганишлар натижасида назорат қилувчи идораларга, шунингдек, маҳаллий ҳокимликларга қонунбузилишни ва унга олиб келувчи шарт-шароитларнинг сабабларини бартараф этишга оид 149 та тақдимнома, 323 та кўрсатма ва огоҳнома хатлари киритилди. Қўлланилган таъсир чоралари натижасида 132 нафар мансабдор шахс интизомий жавобгарликка тортилиб, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга 17.535.783 сўм маблағ қайтарилди.

Масалан, Вобкент тумани ДСИ томонидан "Мидатекс", "Бухоро-Баҳор" каби қўшма корхоналардан ҳисобот қабул қилишда корхоналарнинг рўйхатдан ўтганлиги бўйича гувоҳнома ҳамда корхона таъсисчиларининг умумий йиғилиши баённомаси нусхалари ортиқча талаб қилиб олинганлиги боис Бухоро вилояти адлия бошқармаси томонидан 2011 йил 5 март куни солиқ идорасига тақдимнома киритилиб, қонунбузилишига йўл қўйган солиқ инспекцияси ходимлари З.Шарипов, А.Холовга "ҳайфсан" интизомий жазо чораси берилди.

Ўрни келганда адлия идоралари томонидан мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда тадбиркорлик субъектлари, хусусан, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун "Очиқ эшиклар куни" ташкил этилаётганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. "Очиқ эшиклар куни"да ташриф буюрувчилар юзага келган масалаларни адлия идораларининг раҳбарлари билан муҳокама қилиб, амалий ёрдам олишмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида 55 марта ана шундай тадбирлар ўтказилди.

Шунингдек, фаолияти тўхтатилган корхоналарни ўрганиш натижасида корхоналардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва уларнинг фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Андижон вилояти адлия бошқармаси томонидан 21 та хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона фаолияти мониторинг қилиниб, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди. Пировардида "Фикент Тех Андижон" қўшма корхонасида пайпоқ ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди, Шахрихон туманидаги "SDK Group And" хорижий корхонаси муддатидан олдин ишлаб чиқариш фаолиятини бошлашга эришди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштиришни янада ривожлантириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил этиш, эркин тадбиркорлик фаолияти учун амалий кафолатларни таъминловчи ҳуқуқий асосларни яратиш ва доимий равишда такомиллаштириб бориш Ватанимиз равнақига хизмат қилади.

Ф.ФАРИКОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

МАЪЛУМКИ, ҲАЁТДА МУҲТОЖ КИШИГА ҚАРЗ БЕРИШ ХАЙРЛИ АМАЛЛАРДАН САНАЛАДИ. ЧУНКИ БУ КИМНИНГДИР ОҒИРИНИ ЕНГИЛ, МУШКУЛИНИ ОСОН ҚИЛАДИ. ҚАРЗНИ ЎЗ ВАҚТИДА ҚАЙТАРИШ ЭСА ОДАМИЙЛИКДАНДИР.

Burch va mas`uliyat

Ўз вақтида

Қарз бериш ва олиш, уни қайтариш мажбурияти, одоби, қоидалари нафақат миллий қонунчилигимизда, шу жумладан, муқаддас динимизда ҳам мукаммал тарзда баён этилган бўлиб, қарзни қайтариш зарурлиги, қурби етган ҳолларда қарздан кечишнинг фазилатли экани, бир нарсанинг ўрнига бошқа нарса билан қарзни узиш мумкинлиги, қарзни узиш қарз олувчи зиммасига шарт қилиб қўйилган вазифа эканлиги, шунингдек, қарз берган одам уни уч марта сўрагандан сўнг ҳам қарздор уни қайтармаса, гуноҳ ёзилиши белгиланган.

Олимларимизнинг фикрларига кўра, қарз шартномаси кишилик жамиятида ҳуқуқий муносабатлар ҳали ривожланмасданоқ вужудга келган. Қарз шартномасининг дастлабки ҳуқуқий белгилари қадимги Римда яратилган бўлиб, пул ихтиро этилиши билан қарз шартномасининг шакллари юзага келган.

Одамлар орасида "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" деган гап ҳам юради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки баъзи кимсалар қарзни қўлга киритгунча уни берувчининг ишончига киришга зўр бериб уринади-да, уни қайтаришга имкони бўладимиййўқми, бунисини ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Шундай ҳолларда қонунчилигимизда акс этган қарз шартномаси тузилиши даркор. Ҳозирги пайтда қарз шартномаси фуқаролар ўртасида амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ амал қилинган ҳолда тузилмоқда. Қарз қайтирилмаган ҳолда қарз ва унинг шартномада кўрсатилган фоизи суд қарорига биноан ундириб берилмоқда. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Бу суд қарорининг ижросидир. Қарздорда қарзни қайтаришга маблағи бўлмаса, унда суд қарори ижроси унинг мол-мулкига қаратилиши керак. Афсуски, айрим ҳолларда қарздорнинг мол-мулки йўқлиги ижро варақасининг ижросиз қайтарилишига сабаб бўлади.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, айрим давлатларнинг қонунларида мазкур ҳолатда қарз олган шахсга нисбатан жиноий жавобгарликка тортиш меъёрлари ҳам кўзда тутилган бўлиб, қарз олувчининг жавобгарлигини, масъулиятини ошириш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларимизга балки ана шундай меъёрлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Шу ўринда маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судларида 2008 йилда қарзни ундириш билан боғлиқ 92 та, 2009 йилда 86 та ва 2010 йилда 148 та иш кўрилиб, кўрилган ишларнинг 83 фоизи бўйича даъволар қаноатлантирилган. 5 фоизга яқин даъво аризалари рад қилинган, 12 фоизи иш юритишдан тугатилган ёхуд кўрмасдан қолдирилган.

Маълумотлардан кўринадики, қарз шартномаси қонуний тузилганлиги сабабли даъволар қаноатлантирилган.

Мисол учун айтадиган бўлсак, А.Камолов судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар Ш.Салимовга нисбатан қарзни ундиришни сўраган. Иш ҳолатларидан кўринишича, Ш.Салимов 2008 йил 4 сентябрда 1.300.000 сўм пулни А.Камоловдан қарзга олиб, бу ҳақда тилхат ёзиб берган. Лекин тилхатда қарзни қайтариш муддати белгиланмаган.

Фуқаролик кодексининг 735-моддаси 2-қисмига биноан, агар қарзни қайтариш муддати шартномада белгиланган бўлмаса, қарз олувчи уни қарз берувчи қарзни қайтариш ҳақида талаб қўйган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида қайтариши керак.

Yangi qonun mohiyati

Эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддати

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун қабул қилинган Жиноят-процессуал қонунчиликдаги янгиликлардан бири — Олий Мажлис Сенатининг 2011 йил 25 мартда бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида сенаторларнинг кенг муҳокамасидан сўнг маъқулланган **"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"**ги қонун бўлиб, ушбу қонун давлат ва жамият ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларининг олий қадрият эканлигини яна бир бор тасдиқловчи ҳуқуқий асослардан бири ҳисобланади.

Айтиш керакки, ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — айбланувчиларни қамоқда сақлаш муддатини ҳисоблашни такомиллаштириш орқали уларнинг ҳуқуқий ҳимояси кафолатларининг таъминланишини кучайтириш ҳамда миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштиришдан иборат. Шунингдек, жиноят содир этиб, мамлакатимиздан чиқиб кетган ҳамда тергов идоралари ёки суднинг сўровномаларига асосан хорижий давлатдан ушлаб берилган айбланувчиларни эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақлаб туришга оид меъёрларни Жиноят-процессуал кодексида ифодалашни назарда тутади.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодексининг 245-моддасида айбланувчини эҳтиёт чораси тарзида қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тўққиз ой, оғир ва ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ бўлган алоҳида мураккаб ишлар бўйича эса бир йил қилиб белгиланган. Бош прокуратура томонидан ўтказилган ўрганишлар натижаси шуни кўрсатадики, сўнгги беш йил давомида тергов идоралари ва суднинг сўровномаларига асосан хорижий давлатлар томонидан ушлаб берилган 1195 нафар айбланувчининг 790 нафари олти ойгача, 338 нафари бир йилгача, 67 нафари бир йилдан ортиқ муддатда республика тергов ҳибсхоналарига келтирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида хорижий давлатлардан келтирилган шахсларнинг улар мамлакатимизга келтирилгунга қадар хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган вақтини ҳисоблаш назарда тутилмаган, уларнинг хорижий давлатда қамоқда сақлаб турилган муддати фақатгина жиноий жазо тайинлаш вақтида дастлабки қамоқ муддатини ҳисоблаш қоидаларига асосан амалга оширилар эди. Бунинг оқибатида хорижий давлатдан ушлаб берилган шахсни қамоқда сақлаш муддати у Ўзбекистон Республикасига келтирилган кундан ҳисоблаш амалиёти вужудга келган. Бу эса, жиноят ишини юритиш чоғида айбланувчининг ҳуқуқларини таъминлашга тўлиқ мувофиқ келмас эди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, *биринчидан,* Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига тегишли ўзгартириш киритилиб, қамоқда сақлаб туриш муддатига шахсни Ўзбекистон Республикасига ушлаб бериш тўғрисидаги сўровга кўра, у хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақлаб турилган муддат ҳам қўшиб ҳисобланиши белгилаб қўйилди. Қамоқда сақлаб туриш муддатига бу тартибда аниқлик киритилиши хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган айбланувчиларнинг жиноят ишини юритиш ишлар тергов қилинганда бир йилни ташкил этади. Бироқ кўпинча айбланувчилар хорижий давлатда узоқ муддат давомида қамоқда сақланиши оқибатида уларни сақлашнинг Жиноят-процессуал кодексида белгиланган охирги муддати тугаган ҳолда келтирилади. Аммо эҳтиёт чораси тарзида уларни қамоқда яна сақлаб туриш жиноят иши бўйича кейинги тергов ҳаракатларининг ўтказилишини таъминлаш учун зарур бўлади. Бундай ҳолларда, албатта, айбланувчини қамоқда сақлашнинг охирги муддатини узайтириш кўзда тутилиши керак.

Шу боис, агар Ўзбекистон Республикасига хорижий давлат томонидан ушлаб берилган шахсни қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тугаган бўлса ва ишнинг ҳолатларига кўра, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини ўзгартириш мумкин бўлмаса, республика Бош прокурорининг илтимосномасига биноан суд қамоқда сақлаб туришнинг қўшимча, лекин шахс Ўзбекистон Республикаси ҳудудига келтирилган кундан бошлаб уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатини белгилашга ҳақли, деган одилона меъёр билан тўлдирилди.

Халқаро тажрибада, хусусан, Россия Федерацияси, Беларусь ва Украина республикаларининг жиноят-процессуал қонунчилигида ҳам ушлаб бериш тўғрисидаги сўровномага асосан айбланувчининг хорижий давлат ҳудудида қамоқда сақланган вақти жиноят ишини тергов қилиш даврида қамоқда сақлаш муддатига қўшиб ҳисобланади. Шунингдек, бундай ҳолда қамоқда сақлаб туришнинг охирги муддати тугаган бўлса, суд уни олти ойдан ошмаган муддатга узайтириши мумкинлиги белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, **"Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида"**ги қонуннинг қабул қилиниши жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш орқали айбланувчиларнинг ҳуқуқлари самарали таъминланишига, шунингдек, миллий қонунчиликнинг халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

Нодир МУХТОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими

Dolzarb mavzu

Мажбуриятларни бажариш масъулияти

янги қонун асосида янада кучайтирилади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Амалиётга назар ташлайдиган бўлсак, мазкур усуллардан энг кўп қўлланилаётгани гаров муносабатлари эканига гувоҳ бўламиз. Гаров шартномаси бир шахснинг бошқа шахсга мол-мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мажбуриятларни таъминлаш учун беришини акс эттирувчи битим ҳисобланади. Гаровга кўра, қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни бажармаган тақдирда кредитор (гаровга олувчи) бу мажбурият бўйича ўз талаби гаровга қўйилган мол-мулкнинг қийматидан ушбу мол-мулк эгаси бўлган шахс (гаровга қўювчи)нинг бошқа кредиторларига қараганда имтиёзли тарзда қаноатлантирилишига ҳақли бўлади.

Таъкидлаш жоиз, мамлакатимизда бу каби муносабатларни тартибга солувчи мустаҳкам қонуний асослар яратилган. Масалан, **"Гаров тўғрисида"**ги, **"Ипотека тўғрисида"**ги, **"Банкротлик тўғрисида"**ги, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги бир қатор қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар шулар жумласидандир. Бу йўналишда мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсат тўғри ва аниқ мақсадларга қаратилганини биргина жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсири бизда бошқа ривожланган давлатларга қарағанда анча кам бўлгани ҳам яққол исботлаб турибди. Айниқса, ипотека билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари орқали аниқ ва равшан тартибга солиб қўйилгани бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Албатта, бугунги шиддаткор ҳаёт, глобаллашув жараёнлари мавжуд қонунларни янада такомиллаштириб боришни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ҳозирги кунда амалиётда ҳуқуқий муносабатлар орқали тарафлар зиммасига олган турли мажбуриятларни ўз вақтида бажара олмаслиги оқибатида юзага келадиган жавобгарликни белгилаш ва зарарни ундириш масаласи юзасидан турли тушунмовчиликлар келиб чиқмоқда.

Шу боис қонунларимизни амалиётда юзага келаётган, кредиторнинг ҳуқуқлари бузилиши ҳолларига чек қўйиш ва унинг манфаатлари самарали ҳимояланишини таъминлаш, қонунлардаги номувофиқликларни бартараф қилишни назарда тутувчи Фуқаролик кодексининг 282 ва 283-моддаларига қўшимчалар ҳамда **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонуннинг 23, 51, 54-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқда. **"Ипотека тўғрисида"**ги қонун эса, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари мажбурий ижро этилаётганда ундирув гаровга қўйилган мол-мулкка қаратилишининг оқибатлари"** деб номланган алоҳида 28[1]-модда билан тўлдирилмоқда.

Ушбу қонунларга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалардан, асосан, икки масалани ҳал қилиш кўзда тутилган. **Биринчидан,** суд ижрочилари ундирувни амалга ошириш вақтида қарздорнинг барча қарзларини унинг мол-мулклари ҳисобидан ундиришни амалга ошириши қонун ҳужжатларимизда белгиланган. Шу боис агар унинг мажбуриятларни таъминлашга қаратилмаган мол-мулклари қарзларини қоплашга етарли бўлмаса, ундирувни қарздорнинг гаровга қўйилган мол-мулкига қаратиши мумкин бўлади.

Суд ижрочилари ундирувни қаратган гаровга олинган мол-мулкни реализация қила олмаса, яъни сота олмаган тақдирда эса, яна ушбу мол-мулк қайтадан гаров сифатида мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашга қаратилиши мумкин. Бундан кўриниб турибдики, қонунларимизга киритилаётган юқоридаги ўзгартиш ва қўшимчалар натижасида қарздорнинг манфаатлари бузилмайди. Кредиторга эса ўз ҳуқуқларидан фойдаланишда зарур ҳуқуқий имкониятлар яратилади.

Иккинчидан, қонунларимизга киритилаётган бундай ўзгартиш ва қўшимчалар, ўз навбатида, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, хусусан, жазоларни либераллаштиришда яна бир муҳим қадам бўлди, десак, муболаға эмас.

Бинобарин, гаров билан боғлиқ муносабатларни такомиллаштириш натижасида **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонун меъёрлари Жиноят-ижроия кодекси меъёрлари билан мувофиқлаштирилади. Жумладан, амалиётда **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги қонунга мувофиқ суд ижрочилари ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажаришни ижро иши юритиш қўзғатилган кундан эътиборан кўпи билан беш кунлик муддат ичида бажаришни талаб этар эди. Киритилаётган қўшимчага мувофиқ, эндиликда ушбу муддат, Жиноят-ижроия кодексининг 19-моддаси талабларидан келиб чиқиб, жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс жаримани ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб бир ойлик муддат ичида ихтиёрий равишда тўлаши ҳамда ўн саккиз ёшга тўлмаган жиноят содир этган ва жарима тариқасидаги жазога ҳукм қилинган шахс ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб олти ойлик муддат ичида жаримани ихтиёрий равишда тўлаши учун шароит яратилди. Бу эса, ўз навбатида, жазога ҳукм қилинган шахсларга реал тарзда ўз маблағларини тўплаб, зарарни қоплашлари учун кенг имкониятларни яратиб беради.

Жаҳонгир БОБОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Islohot va samara

Бағрикенглик тамойили

хатодан тўғри хулоса чиқариш имконияти



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўз навбатида А.Ғаниев ҳам судга ихтиёрий равишда ярашув тўғрисида ариза билан мурожаат қилди.

Суд Жиноят кодексининг 66[1]-моддасида назарда тутилган ҳолатларни инобатга олиб, А.Ғаниевни жиноий жавобгарликдан озод этишни лозим топди. Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисми билан гумон қилинувчига нисбатан жиноят иши бўйича суд мажлиси баённомасини тасдиқлаб, жиноят ишини тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Яна бир судланувчи Бекқул Жўраев спиртли ичимликдан маст ҳолатда жамоат жойида фуқаро У.Раҳимовдан сигарет ёқиш учун гугурт топиб беришни талаб қилиб, жанжал чиқаради. У жанжал пайтида У.Раҳимовнинг юзига мушт туширади. Кутилмаган зарб натижасида У.Раҳимов ерга йиқилиб, бош қисмидан жароҳат олади.

Жабрланувчи шифохонага ётқизилади. Унинг даволанишига кетган 500 минг сўмлик сарф-харажатларни судланувчи тўлаган. Б.Жўраевнинг жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан безорилик қилиб, жабрланувчига ўртача даражада оғир шикаст етказишда ифодаланган ҳаракатлари дастлабки тергов идораси томонидан Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми билан таснифланган.

Суд судланувчи Б.Жўраевга нисбатан жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олди. Судланувчининг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, оилавий аҳволи, оилада ягона боқувчилигини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, жиноят орқасидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва унинг қонуний вакилининг даъвоси йўқлигини эътиборга тутди. Судланувчи Б.Жўраевни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин, деган тўхтамга келинди.

Шундай қилиб, суд Б.Жўраевни Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисми «а» банди билан айбли, деб топиб, шу моддага асосан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади.

Амалдаги қонунчиликка ярашув институтининг киритилганлиги, юқорида гувоҳи бўлганингиздек, А.Ғаниевни судланиб қолишдан асради. Безорилик кўчасига қадам босган Б.Жўраев эса қонунларимизнинг бағрикенглигидан кўзи мошдек очилди. Жиноятга жазонинг муқаррарлигини тушунди.

Халқимиз орасида «Яхши хулқли етар муродга, ёмон хулқли қолар уятга» деган гап юради. Безорилик жинояти шу қилмишни содир этган шахснинг маънавияти, ички дунёси, тушунчаси қандай эканлигини атрофдагиларга англатади. Жамиятда одоб-ахлоқ меъёрларига риоя қилмаслик, юриш-туриш қоидаларини менсимасликда ифодаланадиган ҳар қандай ҳаракат тегишлича жавобгарликка сабаб бўлади.

Зилола СОДИҚОВА,
жиноят ишлари бўйича Каттақўрғон шаҳар судининг судьяси

қайтарилган қарз

турли келишмовчиликларга ўрин қолдирмайди

Фуқаро А.Камолов Ш.Салимовдан қарзни қайтаришни талаб қилган бўлса-да, қарз қонунда белгиланган ўттиз кунлик муддатда қайтарилмаган.

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, даъво қаноатлантирилиб, қарз ҳамда унга ҳисобланган банк фоизлари ундирилди ва А.Камоловнинг ҳуқуқлари тикланди.

Фуқаро А.Раҳматова ҳам судга мурожаат қилиб, жавобгар И.Рашидовга нисбатан қарзни ундиришни сўраган. Аниқланишича, И.Рашидов А.Раҳматовадан 2009 йил 26 февралда 300 АҚШ доллари, 2009 йил 4 апрель куни 200 АҚШ доллари, 2009 йил 25 апрель куни 400 АҚШ доллари қарз олган.

Судда А.Раҳматова қарзни 8 фоизлик устама билан берганлигини айтган, бироқ тилхатда бу ҳақда кўрсатилмаган. Яъни тарафлар ўртасида фоиз тўлаш ҳақида келишув бўлмаган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан қарзни ундириш белгиланиб, талабнинг 8 фоизлик устамани ундириш қисми рад қилинган.

Шартнома иштирокчиларининг қарзни нотариал тартибда расмийлаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Масалан, Н.Ғуломова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар А.Рўзиевдан қарзни ундириб беришни сўраган. Маълум бўлишича, А.Рўзиев Н.Ғуломовадан 2008 йил 6 августда 1.000.000 сўм қарз олган ва бу ҳақда тарафлар ўртасида нотариал идора орқали қарз шартномаси расмийлаштирилган. Шартномада қарзни қайтариш муддати сифатида 2009 йил 6 август деб белгиланиб, қарз бўйича фоиз ундириш назарда тутилмаган.

Шунга кўра, А.Рўзиев шартномада белгиланган муддатда шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги сабабли, Н.Ғуломова бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, қарзни банк фоизи билан ундириб беришни сўраган. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси қаноатлантирилиб, қарз ва унга ҳисобланган банк фоизини ундириш белгиланган.

Хулоса ўрнида шуни қайд этиш керакки, ҳаётда ҳалоллик, мардлик, ваъдага вафо қилиш каби фазилатлар ҳамиша улуғланган. Шу маънода қарзни ўз вақтида қайтариш, қарздорни ортиқча қийнамаслик одамийликдан. Таассуфки, бу ҳақиқатни англаб етмаган айрим кишилар қарзни олишга олиб, уни қайтаришга келганда берган ваъдаларини ҳам, одамийлик талабларини ҳам мутлақо унутиб қўйишади. Табиийки, қарз берган киши ўзининг пули ёки молини талаб қилишга ҳақли. Бу эса, ўз навбатида, ҳар бир фуқаролик муносабатини қонуний тарзда амалга ошириш, шу жумладан, қарз муносабатларини шартнома тарзида расмийлаштиришни тақозо этади. Ана шунда турли оворагарчиликларга ўрин қолмайди.

Маъруф ТОЖИБОЕВ,
фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг раиси

Газетхон савол беради...

Muloqot

— Айтинг-чи, қандай мулк эр-хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобланади?



Г.РАШИДОВ,
Шофиркон тумани

— Оила кодексининг 23-моддасига кўра, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги мулки ҳисобланади.

— Айтинг-чи, эр-хотиндан бири тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган, яна бири нафақада бўлса, унда уларнинг оладиган даромадлари ёки нафақа пенсиялари умумий мулк деб эътироф этиладими?

Э.ГУЛЛИЕВ,
Ғиждувон тумани

— Эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинадиган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари — моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан тўланган суммалар ҳам эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига киради.

Саволларга фуқаролик ишлари бўйича Бухоро вилояти судининг судьяси М.ҚОДИРОВА жавоб берди.

E`tirof

Баркамол ёшлар — истиқлолимизнинг энг улкан ютуғи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Давлатимиз раҳбариятининг қатъияти, узоқни кўра билиши, пухта сиёсати боис мамлакатимиз турли синовлардан омон-эсон ўтиб, мана, ўзининг йигирма йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

Мустақиллик йилларида халқимиз бетимсол ютуқларни қўлга киритди, улкан марра ва зафарларга эришди. Аслида, бу муваффақиятларни ҳар қанча эътироф этсак, улар ҳақида ҳар қанча гапирсак, оз. Аммо мустақиллигимиз берган энг бебаҳо неъматлардан бири ҳақида алоҳида гапиришни истардик. У ҳам бўлса, дунёқараши теран, мустақил фикрга эга, ҳар жиҳатдан баркамол ёшлардир. Зотан, мустақилликнинг дастлабки йилларида дунёга келган гўдаклар бугун салоҳиятли йигит-қизлар бўлиб вояга етишдики, уларнинг эзгу интилиши, ғайрат-шижоати, қўлга киритаётган ютуқлари, «Она-Ватанимни равнақ топтириш учун хизмат қиламан», деган комил ишончи Ватанимиз мустақиллигининг нақадар ноёб, нақадар бебаҳо неъмат эканини тасдиқлайди.

Қуйида ана шундай мустақиллигимиз тенгдошларининг дил сўзларини ўқийсиз.

Муштарий САЛОМОВА,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИКДАН МАМНУНМИЗ

— Аввало шуни айтишим керакки, мен ўзимнинг Ватанимиз мустақиллиги билан тенгдош эканлигимдан фахрланаман. Сабаби, мустақиллик халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган имкониятларни юзага чиқарган бўлса, Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан биз — ёшлар ана шу қулайликларга икки ҳисса кўпроқ эга бўлдик.

Яқинда Термиз шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг навбатдагиси бўлиб ўтди. Телевизорда ушбу спорт ўйинларини томоша қилаётиб, спортчи ука-сингилларимизнинг бахтиёр чеҳраси, ғайрат-шижоати мени тўлқинлантириб юборди.

Кези келганда, Ватанимиз ёшларининг интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорини рўёбга чиқариш ва уларни бир мақсад йўлида бирлаштиришда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлашни истардим. Зеро, бу ва шунга ўхшаш нодавлат ташкилотларнинг ёшлар ҳаётида тутган ўрнига ўзим бевосита гувоҳман. Чунки шу вақтга қадар «LG Grant», «Fond Forum», «Камолот»нинг кўплаб танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаганим мени янада ғайрат билан ўқишга, тинмай изланишга ундайди. Тенгдошларим ўз фикрини нафақат бир-бири, балки хорижлик ёшлар билан ҳам ўртоқлашиш имкониятига мустақиллик туфайли эга бўлди. Масалан, мен яқинда хорижда бўлиб ўтган адвокатларнинг йиллик халқаро конференциясида 90 та давлат вакиллари қаторида иштирок этиш бахтига муяссар бўлдим.

Ўзим ва тенгдошларим эришаётган ана шундай ютуқлар ҳақида ўйлаганда, Юртбошимизнинг **«Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт»** деган сўзларининг нақадар теран мазмун-моҳиятга эга эканини янада чуқурроқ англайман.



Зиёдулла ЯРАШЕВ,
Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети талабаси

ЎҚИШ ВА ИЗЛАНИШ ЗАВҚИ

— Ёшлигимдан хорижий университетда ўқишни орзу қилардим. Мустақиллик шарофати билан мен бу имкониятга юртимизда эришдим. Бугун кўплаб тенгдошларим ҳавас қиладиган Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида таълим оламан. Университетда бизга хориждан келган мутахассислар дарс беришади, замонавий ахборот технологиялари билан жиҳозланган ўқув хоналари талабалар хизматида.

Шунингдек, ўқув даргоҳимизда жаҳон стандартларига мос замонавий электрон кутубхоналар, спорт иншоотлари мавжуд бўлиб, улардан бўш вақтимизда бемалол фойдаланишимиз мумкин. Масалан, мен билим олаётган «Машинасозлик» факультетида соҳамиз сир-асрорларини мукаммал ўрганиш учун барча шарт-шароит яратилган. Қувонарлиси шундаки, амалиётни ҳам бевосита машина ишлаб чиқарувчи корхоналарда ўтаймиз. Ахир, мустақиллик шарофати билан юртимизда бир эмас, бир нечта машинасозлик заводлари фаолият олиб бораяпти. Қолаверса, амалиётнинг бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ўтказилиши талабаларнинг чуқур билим олишида ҳам муҳим омил бўлади.

Университетимизда мунтазам равишда спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Икки йил давомида шахмат турнирида дўстларим ва хорижлик тенгдошларим орасида биринчи ўринни эгаллаб келаётганимнинг асосий сабабини ҳам мана шунда — бизга яратилган қулай шароитларда деб биламан. Чунки шахсан Президентимизнинг ёшларга билдирган ишончи бизни доимо масъулиятли ҳамда илғор бўлишга ундайди.



Адҳамжон ХЎЖАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси

ЧУҚУР БИЛИМ — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

— Ҳар бир инсон маълум бир мақсад билан яшайди. Масалан, кимдир ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритишни истаса, кимдир фан соҳасида кашфиёт қилишни хоҳлайди, яна кимдир эса спортда энг юқори чўққиларни забт этишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Албатта, бунинг барига сидқидилдан ўқиш, изланиш, меҳнат қилиш орқали эришилади. Қувонарлиси шундаки, юртимизда ёшларга кўрсатилаётган бундай эътибор мени фахрлантиради, айни чоғда чуқур масъулият ҳис қиламан.

Инсон ҳаётда кўпгина синовлардан ўтишига тўғри келади. Масалан, шулардан бири — олий ўқув юртида ўқишга кириш. Чунки бу билимимизни синайдиган муҳим имтиҳон. Мен синовларга пухта тайёрланганим туфайли имтиҳонлардан муваффақиятли ўтдим — Тошкент Давлат юридик институтига ўқишга қабул қилиндим. Ушбу касбни танлашдан мақсадим эса, доимо инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жамият равнақи учун олиб борилаётган жараёнларда фаол иштирок этиб, ўзимнинг муносиб ҳиссамни қўшишдир.

Ўқиш давомида мени энг қувонтиргани, амалиётларда бевосита иштирок этиб, фуқаролар билан тўғри мулоқот қилишни, ҳужжатлар билан ишлашни ўрганиш бўлди. Жамоат ишларида фаоллигим сабабли «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатига қарашли «Ёшлар овози» радиостудиясининг раиси этиб сайландим. Чунки етук ҳуқуқшунос бўлиш учун нотиқлик санъатини ҳам билиш даркор.

Дарҳақиқат, ёшларимиз ўзлари учун яратилган имконият ва шарт-шароит, кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлик билан ҳар қанча қувонишса арзийди. Зотан, халқимизнинг эртанги кунида ҳал қилувчи куч бўлган ёшларнинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб вояга етиши жамиятимизнинг энг эзгу мақсадидир. Муҳими, бундай катта миқёсдаги эътиборга сидқидилдан ўқиш, изланиш билан жавоб қайтариш лозимлигини англаган иқтидорли ёшларимиз қаторида Муштарий, Зиёдулла ва Адҳамжон ҳам ўзларининг салоҳияти билан келажакда Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш ниятида. Буни уларнинг ёш бўлишига қарамай республикамиз матбуотида кўплаб мақолаларини чоп этиб келаётгани, халқаро ҳуқуқий конференцияларда иштирок этиб, ўзларининг фикрини билдиришга интилишидан ҳам билса бўлади. Энг муҳими, уларнинг қалбида она-Ватанимизга нисбатан фарзандлик муҳаббати жўш уриб турибди.

Садоқат АСЛАНОВА
тайёрлади.

АЛБАТТА, БУ ҲАЁТДА ҲАР БИР ИНСОННИНГ УМРИ ЎЛЧОВЛИ. ШУНДАЙ ЭКАН, ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМАЁТГАН КИШИ ЎЗИДАН СЎНГ ҚОЛАДИГАН МЕРОС МУЛКНИНГ ЎЗИ ИСТАГАН ТАРЗДА ТАСАРРУФ ЭТИЛИШИНИ ИСТАЙДИ. ҚОНУНЧИЛИГИМИЗГА МУВОФИҚ, БУ ХОҲИШ-ИРОДА ВАСИЯТНОМА ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Huquqiy savodxonlik sari

Муҳим фуқаролик ҳужжати

унга оид қонун меъёрларига оғишмай амал қилиш турли хил оворагарчиликларнинг олдини олади

Фуқаро ўзининг мол-мулкини ёки унинг бир қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига қирадиган, шунингдек, бу тоифага кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларига васият қилиш ҳуқуқига эга. Васият қилувчи изоҳ бермаган ҳолда истаган кишисини меросдан маҳрум қилишга ҳақли.

Айтиш керакки, васиятнома ёзма шаклда тузилади ва тузилган жойи, санаси кўрсатилади. Нотариал тасдиқланган васиятномалар ва нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган васиятномалар ҳисобланади. Маълумки, имзо ҳужжатнинг ҳақиқийлигини тасдиқловчи муҳим омилдир. Шу боис ҳам ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши шарт. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ бошқа шахс, васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилган ҳолда, имзо қўйиши мумкин.

Васият қилувчи истаган вақтда ўз васиятномасини бекор қилиш ёки ўзгартиришга ҳақли. Васиятнома васият қилувчи томонидан ёки васият қилувчининг ёзма фармойишига биноан нотариус ёхуд бошқа мансабдор шахс томонидан унинг барча нусхаларини йўқ қилиб ташлаш йўли билан бекор қилинади.

Амалдаги қонунда васиятномага оид меъёрлар аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, уларга амал қилмаслик оқибатида турли низолар келиб чиқиши мумкин. Масалан, Х.Қаюмова судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, отасининг ёлғиз фарзанди – меросхўри эканлигини, М.Долимова билан отасининг қонуний никоҳлари йўқлигини, ўзи қонуний меросхўр бўлгани учун отаси унга тегишли жойни турмуш ўртоғи М.Долимовага васият билан қолдирмаслигини, агар отаси васиятнома расмийлаштирганида, бу ҳақда унга, албатта, айтган бўлишини баён қилиб, Поп тумани давлат нотариал идораси томонидан тасдиқланган васиятномани, шу васиятномага асосан берилган мерос гувоҳномаси ва жавобгарлар ўртасида тузилган олди-сотди шартномасини бекор қилишни, ўзини отасидан қолган низони уйга нисбатан меросхўр деб топишни сўраган.

Судда аниқланишича, Х.Қаюмова марҳум Д.Қаюмовнинг биринчи турмушидан кўрган фарзанди бўлиб, унинг ёшлигида ота-онаси оилавий келишмовчиликлар сабабли ажрашиб кетишган. Шундан сўнг ота шаръий никоҳ асосида М.Долимовага уйланади, аммо улар фарзанд кўришмайди. Бу орада Х.Қаюмова отасининг уйига келади ва уларни парвариш қилади.

1994 йил 9 апрелда Поп тумани давлат нотариал идораси орқали ҳовли-жойни турмуш ўртоғи М.Долимовага васият қилиб қолдирган Д.Қаюмов 2003 йил вафот этган. Шундан сўнг 2004 йилда М.Долимова давлат нотариал идорасидан васиятномага асосан мерос гувоҳномасини олиб, уйни ўзининг номига расмийлаштиради ва А.Эргашевга сотиб юборади.

Туманлараро суди мазкур фуқаролик ишини атрофлича ўрганиб, Х.Қаюмованинг ўз даъвосини исботловчи бирор-бир асосли фикр айта олмаганлиги, ҳужжат кўрсатолмаганлиги сабабли даъвони рад қилди. Зотан, Фуқаролик кодексининг 1128-моддасида нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмаслиги белгилаб қўйилган. Юқорида баён этилган фуқаролик ишида ҳам М.Қаюмованинг отаси томонидан тузилган васиятнома очилгунга қадар қонунга асосан ундаги маълумотлар ошкор этилмаган.

Қисқа қилиб айтганда, васият қилинган мол-мулк борасида келгусида меросхўрлар ўртасида низо келиб чиқмаслиги учун фуқаролар васият ва васиятнома масаласига жиддий эътибор қаратиши лозим. Энг асосийси, васиятнома тузиш учун нотариус ёки васиятнома тузувчи ваколатли шахс олдига келган фуқароларга ҳар томонлама тушунтириш берилиши мақсадга мувофиқдир.

Наргиза ХАЛИЛОВА,
фуқаролик ишлари бўйича Наманган вилояти судининг судьяси

БУ ҲАЁТДА ИНСОН ҲАМИША ОРЗУ-УМИД БИЛАН ЯШАЙДИ, ШУ МАҚСАДДА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ. АЛБАТТА, ҲАР БИР ОРЗУ-УМИД АВВАЛО ҲАЛОЛ МЕҲНАТ, ИЗЛАНИШ ВА ИНТИЛИШ БИЛАН РЎЁБГА ЧИҚАДИ. ҲАЛОЛ МЕҲНАТСИЗ ҲЕЧ КИМ ЧИНАКАМ БАХТГА ЭРИША ОЛМАЙДИ. БУ ҲАЁТДА ҲАР ҚАДАМДА ЎЗ ИСБОТИНИ ТОПГАН ОДДИЙ ҲАҚИҚАТДИР.

Jinoyat va jazo

Боши берк кўча

... Кунларнинг бирида Жамшид топиб келган гап Камолиддиннинг ҳушини ўғирлади. Нима эмиш, фалон маҳаллада яшовчи Ҳафиза опа бир йўла иккита «Нексия» сотиб олмоқчи экан. Бунга етарли 30 минг АҚШ долларини сандиғида сақлаётган экан. Ана шу бойликни тезроқ қўлга киритиш керак. Акс ҳолда қуруқ қолишади...

— Бу ишни амалга ошириш иккиламизга оғирлик қилади, — деди Жамшид. — Бизга яна битта шерик керак.

Эртаси куни Камолиддин мол боқиш учун далага чиққанда, Ҳасан деган таниши билан учрашди. Катта миқдордаги пулнинг дарагини эшитган Ҳасан Камолиддинга кечқурун Жамшидни олиб уйга келишини тайинлади.

Ҳафиза опанинг турмуш ўртоғи фермер хўжалиги раиси эди. Аммо умри қисқа экан. У киши вафот этгач, Ҳафиза опа икки ўғли билан ёлғиз қолди. Жамшид Мажидов ана шу фермер хўжалигида ишлагани боис уларникига тез-тез келиб турарди.

— Пулни ўғирласак, албатта, мендан гумон қилишади, — дейди Жамшид кечқурун шериклар билан режа тузишаётганда. — Яхшиси, ўзимизнинг уйдан бир бош қорамолни ўғирлаб бозорда сотаман-да, Самарқандда яшовчи тоғамникига кетаман. Сиз иккингиз Ҳафиза опанинг уйи атрофини кузатасиз. У уйда бўлмаган пайтда менга қўнғироқ қиласиз. Мен дарров етиб келаман ва пулни олгач, излар босилгунча яна ортимга қайтиб кетаман.

Аммо ўша кун Жамшид ўзларининг ҳовлисидан қорамол ўғирлаб чиқолмади. Бунинг ўрнига у ярим тунда У.Очиловнинг оғилхонасига кириб, бир бош қорамолни ўғирлаб чиқди. Сўнг уни бозорда А.Шералиев деган кишига 705 минг сўмга сотиб юборди. Жамшид бу пулга янги устибошми сотиб олди-да, чўнтаги қаппайган ҳолда Самарқандга жўнаб кетди.

Энди гапнинг буёғини эшитсангиз, ўша кундан бошлаб Камолиддин Аҳмедов билан Ҳасан Рапиев бошқа юмушларини йиғиштириб қўйиб, Ҳафиза опанинг ҳовлиси атрофида ўралашиб қолишганди. Орадан шу тариқа беш кун ўтди. Бу орада ички ишлар ходимлари Жамшидни мол ўғирликда гумон қилиб тутиб келишди. Ҳасан Рапиев Жамшид Мажидов қўлга тушгач, унинг шерикчилик қилишидан умидини узди ва Камолиддиннинг уйига йўл олди. Аммо ўша куни у Камолиддинни уйидан тополмади. Ҳ.Рапиев Ҳафиза опа пулларни ишлатиб қўйишидан хавотирда эди. Шу боис у шошапиша ўзига янги шериклар қидиришга тушди. Охийри, у таниши Зафар Раҳмоновни танлади. Қўшниси Фарруҳ Юсуповни ҳам жиноий гуруҳга тортди. Шундан сўнг учовлон Ҳафиза опаникига кириш ва пулларни ўғирлаб чиқишга тил бириктирди.

Уларнинг аниқлашича, ўша куни маҳалладаги хотин-қизларнинг гап-гаштаги бўлиши, Ҳафиза опа ҳам ана шу йиғинга бориши керак эди. Лекин қуёш ботиб, атрофга қоронғулик чўкканда ҳам Ҳафиза опа уйидан чиқмади. Аммо бу уларнинг режасини ўзгартирмади.

Ярим тунда жиноий тўда Ҳ.Примқулованинг уйига яқинлашишди. Х.Рапиев шериклари уйининг тузилиши, пул солинган сандиқ қайси хонада эканлигини тушунтирди. Ўзи девор устида пойлоқчилик қилиб турди. З.Раҳмонов қора рангли спорт шапкаси, Ф.Юсупов эса рўмолчаси билан юзларини ниқоб сифатида беркитиб, ҳовлига киришди. Орадан беш дақиқалар ўтгач, уй ичида бақир-чақир овоз эшитилди. Ичкаридан қочиб чиққан З.Раҳмонов билан Ф.Юсупов девор оша кўчага отилишди. Жиноий режаси амалга ошмаган гумроҳлар уйларига тарқалиб кетишди.

Шу ўринда газетхонни уй ичида қандай воқеа юз берганидан воқиф қилиш жоиз кўринади.

Хабарингиз бор, Зафар билан Фарруҳ Ҳафиза опа таниб қолмаслиги учун юзларига ниқоб тутиб олишганди. Ўша тунда Фарруҳ эшик олдида қолди, Зафар эса Х.Примқулова ётган хонага кириб, чироқни ёқиб ўчиради. У бу ҳаракати билан хонадон соҳибаси ётган жойни аниқлаб олган эди. Сўнгра у қўлидаги ўзи олиб кирган таёқ билан Ҳафиза опанинг бошига тўрт-беш марта туширади. Ҳ.Примқулова эса оғриқ зарбидан бақирган кўйи ўрнидан туриб кетди ва жон талвасасида босқинчига ташланди. Ана шунда Зафарнинг юзидаги ниқоб ечилиб кетди, қўлидаги таёқ эса гилам устига тушди.

Ҳафиза опанинг бақирганини эшитиб Фарруҳ ҳам Зафарнинг ортидан хонага кирди ва қараса, аҳвол бошқача тус оляпти. У Ҳафиза опа таниб қолмаслиги учун шоша-пиша Зафарни қўлидан судраб ташқарига олиб чиқди...

Суд мажлисида жиноят тафсилотлари тўлиқ ойдинлашди. Суд судланувчилар Ҳ.Рапиев, Ф.Юсупов ва З.Раҳмоновни Жиноят кодексининг 164-моддаси 4-қисми «а» банди, Ж.Мажидовни 25,169-моддалари 4-қисми «а» банди ва 169-моддаси 2-қисми «б,г» бандлари, К.Аҳмедовни 25,169-моддаси 4-қисми «а» банди билан айбдор деб топди. Уларнинг ҳар бирига қилмишига яраша озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Осмондаги ойни олиш бир орзу. Текин бойлик топишга уриниш ҳам худди шунга ўхшайди. У саробдан бошқа нарса эмас. Юқорида шоҳиди бўлганингиздек, бойлик васвасаси судланувчилар тақдирига қора парда тортди.

Мухтасар қилиб айтганда, киши бел оғритмай бойлик топиш васвасасига тушдими, унинг ҳаёт ўзани боши берк кўчага кириб қолади.

Жавлон ЖАББОРОВ,
жиноят ишлари бўйича Дўстлик туман суди раиси.
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Куч-адолатда» мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир
Отабек САФАРОВ

Саҳифаловчи
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Кодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-518. Қоғоз бичими: А-2.
Сотувда эркин нархда. Адади: 6499.
1 2 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22³⁰